


01-03/1-638
16.04.2020 йил

“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири


А. Арипов
2020 йил « 15 » апрель

**Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

2020 йил 15 апрель

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: А. Арипов – Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Қатнашдилар: Вазирлик ва идоралар раҳбарлари,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимликлари
(рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ

**Коронавирус пандемияси шароитида республика аҳолисига
давлат ресурслари ҳисобига ун маҳсулотларини тизимли
ва кафолатли етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида**

*(Арипов, Қўчқоров, Барноев, Бобожонов, Мусаев, Рахимов, Норқулов,
Шарипов, Пулатов, Бадриддинов, Арипов)*

Коронавирус пандемияси шароитида юзага келган вазиятни
инобатга олиб, ички бозорда озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар
барқарорлигини таъминлаш, хусусан республикадаги барча
истеъмолчиларга ун маҳсулотларини тизимли ва кафолатли етказиб бериш
мақсадида йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Иқтисодий таррақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,
“Ўздонмаҳсулот” АК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг коронавирус пандемияси
шароитида юзага келган вазиятни инобатга олиб, республиканинг барча
даражадаги истеъмолчиларига ун ва ун маҳсулотларини ушбу ҳужжат
тасдиқланган кундан бошлаб, алоҳида топшириқ бўлгунга қадар, биржа
савдоларисиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида тизимли етказиб
бериш бўйича вақтинчалик тартиб ўрнатилиши тўғрисидаги таклифларига
розилик берилсин.

Бунда:

биринчидан, Иқтисодий таррақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” АК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда аҳоли сонини ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар кесимида тўғридан-тўғри етказиб бериладиган ун ҳажмларини аниқлайди ва жойларга етказди;

иккинчидан, Иқтисодий таррақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги “Ўздонмаҳсулот” АК билан биргаликда ҳудудларга ажратилган ун ҳажмларидан келиб чиқиб, дон корхоналари кесимида ун ишлаб чиқариш ҳажмларининг кунлик графигини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

учинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ажратилган ун ҳажмларини аҳоли истеъмолига, қолипли нон ишлаб чиқариш мақсадларига, ижтимоий таъминот муассасалари этиёжларига, қайта ишлаш корхоналари ва макарон ишлаб чиқариш цехларига ажратиладиган миқдорни туманлар ва шаҳарлар кесимида аниқлаб тасдиқлайди;

тўртинчидан, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ҳудудларидаги барча аҳоли пунктларини тўлиқ қамраб олган ҳолда, уларга ун, нон ва макарон маҳсулотларини кафолатли етказиб берилишини ҳисобга олиб, ажратилган ун маҳсулотини дон корхоналаридан тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилувчиларни (савдо ташкилотлари, ижтимоий соҳа муассасалари, қолипли нон ва макарон ишлаб чиқарувчи корхоналар) рўйхатини шакиллантиради, уларга ажратиладиган ун ҳажмларини белгилаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этади;

бешинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган рўйхат асосида ун харид қилувчиларни “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги дон корхоналарига бириктиради ва бириктирилган рўйхатни мазкур дон корхоналарига тақдим этади;

олтинчидан, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари рўйхатга киритилган чакана савдо, қолипли нон ишлаб чиқарувчи, ижтимоий соҳа муассасалари, қайта ишловчи ва макарон ишлаб чиқарувчи корхоналарни бириктирилган дон корхоналари билан белгиланган ҳажмдаги унни харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузилишини, тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини ва харид қилинган ун маҳсулотини ўзлаштирилишини ташкиллаштиради ҳамда мақсадли ишлатилишини назорат қилади;

еттинчидан, Марказий банк тижорат банклари ва жойлардаги давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда маҳалла (овуллар)да ун маҳсулоти чакана савдосини амалга оширишга жалб этилган тадбиркорлик субъектлари (савдо дўконлари)ни тўлов терминаллари билан таъминлайди;

саккизинчидан, коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олиш мақсадида ички ишлар бўлимлари (маҳалла посбонлари) ва маҳалла (овул) фуқаролар йиғинлари раислари ун сотишга жалб этилган савдо ташкилотлари раҳбарлари билан биргаликда аҳолини бир вақтда ун харид қилишга тўпланиб қолишини олдини олиш учун хонадонлар рўйхатини тузиб, уларни ун харид қилиш учун савдо дўконига келиш графигини ишлаб чиқади ва бу тўғрисида ҳар бир хонадонни хабардор қилади.

2. Давлат ресурсларидан ажратиладиган ун ҳажмларини мазкур тартиб асосида чакана савдо, қолипчилик нон ишлаб чиқарувчи, ижтимоий соҳа муассасалари, қайта ишловчи ва макарон ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиниши ва истеъмолчиларга кафолатли етказиб берилишини назорат қилиш ва амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб бориш Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаменти (Рахимов), Давлат солиқ кўмитаси (Мусаев), Ички ишлар вазирлиги (Нишонбоев) зиммасига юклатилсин.

3. Монополияга қарши курашиш кўмитаси (Шарипов)га мазкур тартиб асосида давлат ресурслари ҳисобидан ажратилган ун маҳсулотини дон корхоналаридан барча истеъмолчиларга тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотишда нархлар шаклланишини назорат қилиш ва уларни сунъий равишда оширилишини олдини олиш чораларини кўриш вазифаси топширилади.

4. Ички ишлар вазирлиги (Нишонбоев) жойлардаги бошқарма ва бўлинмалари билан биргаликда давлат ресурслари ҳисобидан ажратилган ва тўғридан-тўғри шартномалар асосида етказиб бериладиган ун маҳсулотини дон корхоналаридан туманлар ва шаҳарлардаги истеъмолчиларга автоуловлар орқали талон-тарожликларга йўл қўймасдан етказиб берилишини назорат қилсинлар.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиология назорати ва осойишталик агентлиги (Алматов) жойлардаги марказлари орқали ун маҳсулоти савдоси амалга ошириладиган савдо шохобчаларида, нон, макарон ишлаб чиқариш цехларида санитар тадбирларини (дезинфекция) мунтазам амалга оширилишини таъминласин.

6. “Ўздонмаҳсулот” АК (Пулатов) давлат ресурслари ҳисобидан маҳаллий ҳокимликларига ажратилган ун ҳажмларини ишлаб чиқарилишини ва тизимидаги дон корхоналари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида истеъмолчиларга сотилишини таъминласин ва **ҳар кунлик маълумотларни** Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб борсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига короновирус пандемияси шароитида юзага келган вазиятни инобатга олиб, давлат ресурслари ҳисобидан мазкур вақтинчалик тартиб асосида ун маҳсулотини биржа савдоларисиз тўғридан-тўғри дон корхоналаридан туман ва шаҳарлардаги истеъмолчиларгача етказиб берилишини таъминлаш ва санитария қоидаларига риоя этилган ҳолда уюшган савдосини ташкил этишга шахсан масъул ҳисобланади.

8. “Ўздонмахсулот” АК таркибидаги донни қайта ишлаш корхоналари томонидан барча тоифадаги истеъмолчиларга маҳаллий ун маҳсулоти тўғридан-тўғри шартномалар асосида “Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси” АЖнинг 2020 йил 6 апрелдан 10 апрелгача бўлиб ўтган биржа савдолари натижасида шаклланган нархларда (1 кг. олий навли ун – 3619 сўм, 1-навли ун – 2485 сўм, 2-навли ун – 2550 сўм) сотилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан коронавирус пандемияси даврида мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлаш масалалари кўп жиҳатдан республикадаги ижтимоий вазиятга боғлиқлигини ҳисобга олиб, мазкур масалани назорат қилиш бўйича Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Давлат солиқ қўмиталари раҳбарларига алоҳида топшириқ берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Давлат раҳбарининг ушбу топшириғидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур баёнига асосан давлат ресурсларидан ажратиладиган ун маҳсулотини алоҳида топшириқ бўлгунга қадар дон корхоналаридан тўғридан-тўғри шартномалар асосида барча тоифадаги истеъмолчиларгача кафолатли етиб боришини таъминлашга жалб этилган вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар Давлат хавфсизлик хизмати томонидан назоратга олинганлиги тўғрисида **огоҳлантирилсин.**

Белгилансинки, мазкур вақтинчалик тартиб ижросини таъминлашга жалб этилган вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар Давлат хавфсизлик хизматига сўралган маълумотларни тақдим этиб боради.

10. Мазкур баённинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.Барноев зиммасига юклатилсин.